

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт

Солиқ назорати ва уни ташкил этиш ҳамда
ўтказишдаги муаммолар ва уларнинг ечими.

Солиқ назорати шакллари (СК-136-модда)

Назорат жараёнлари соддалаштирилиб, солиқ назорати шакллари **13 тадан 2 тага** қисқартирилди

Солиқ органи «йиғувчи» мақомини **«таҳлилчи»** мақомига ўзгартирмоқда



СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ



СОЛИҚ МОНИТОРИНГИ



Товарларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган солиқларга нисбатан солиқ назоратини амалга оширади.

Текширувлар риск-анализ натижалари асосида амалга оширилади

Солиқ текшируви турлари (СК-137-модда)



Камерал солиқ текшируви

СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ
ТУРЛАРИ

Сайёр солиқ текшируви



Солиқ аудити




Солиқ назоратини амалга ошириш бизнес жараёни (ВМнинг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори асосида)

Текшириш учун ҳолатлар

Текширишда амалга ошириладиган тадбирлар

Текшириш натижаларини кўриб чиқиш ва ижрога қаратиш



Камерал солиқ текширувини ташкил этиш

Камерал солиқ
текшируви
2 тартибда ўтказилади

Солиқ тўловчи томонидан
солиққа оид қонун
ҳужжатларига риоя
этилишини назорат қилиш
(умумий тартиб)

ҚҚС бўйича суммалари
ўрнини қоплаш билан боғлиқ
камерал солиқ текширувлари

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сон қонунида

КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕШИРУВИ



солиқ ҳисоботлари ва солиқ тўловчининг бошқа маълумотларни солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказиладиган **автоматлаштирилган таҳлил** ҳисоблади




текширувдан олдинги таҳлилда солиқ ҳисоботларида тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса, солиқ тўловчига солиқ ҳисоботиغا тегишли тузатишлар киритиш тўғрисида **унинг шахсий кабинетига хабарнома юборилади**



хабарномани олган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосомасини тақдим этиши шарт, ушбу шартларнинг бажарилмаслиги солиқ органи томонидан солиқ тўловчига **камерал текширувини тайинланишига асос бўлади**

Камерал солиқ текширувини ташкил этиш



- ✓ Солиқ тўловчи томонидан илгари тақдим этилган солиқ ҳисоботига нисбатан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси камайтирилган ёки кўрилган зарар суммаси кўпайтирилганлиги сабабли, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиш ҳолатлари бўйича ушбу солиқ тўловчида камерал солиқ текшируви ўтказилади.
- ✓ Бунда, камерал солиқ текширувини ўтказиш, аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этилган кундан эътиборан уч кун ичида бошланади

Камерал солиқ текширувини ташкил этиш



Камерал солиқ текшируви бизнес-жараёни



Камерал солиқ текширувини ташкил этиш тартиби ва муддатлари

Камерал текшируви
солиқ органи раҳбарининг
БУЙРУҒИ асосида ўтказилади



Битта буйруқ асосида **битта солиқ тўловчи** текширувдан ўтказилиши мумкин

Камерал текшируви шўтказиш муддати
60 кундан ошмаслиги керак

Солиқ органи солиқ тўловчидан
сўровнома
орқали талаб қилиб олишга ҳақли:

- бирламчи ҳужжатларни;
- бухгалтерия ҳисоби регистрларни;
- тақдим этилган солиқ ҳисоботларига доир тушунтиришларни;
- ҳисоб ҳужжатларига доир тушунтиришларни;
- солиқ ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ахборотларни.





Сайёр солиқ текшируви — солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш соҳасидаги айрим ҳамда бошқа мажбуриятларни бажарилишини текшириш



Сайёр солиқ текшируви ҳукуматнинг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган «Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида» НИЗОМ асосида ташкил этилади.

Сайёр солиқ текшируви доирасида қуйидагилар амалга оширилади



Солиқ солиш объектларини аниқлаш



Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ қонунчилигига риоя этилишини текшириш



Хронометраж кузатувларини ўтказиш



Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш



Назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш



Солиқ тўловчидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи томонидан хатловдан ўтказишни талаб қилиш



Субъектлар ходимлари ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторинг қилиш

Сайёр солиқ текширувида



Сайёр солиқ текшируви - ҳисобга олиш ҳужжатлари, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракати, солиқ тўловчининг бошқа ахборотнинг таҳлили юзасидан ўтказилади



Сайёр солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчидан текширувга алоқаси бўлмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди!

Сайёр солиқ текшируви




1

Текширув **ўн иш кунигача** бўлган
муддатда ўтказилади

2

Текширув натижаси бўйича олинган
ҳужжатлар ва ахборотлар **камерал
солиқ** текширувини ўтказишда
фойдаланилиши мумкин



Сайёр солиқ текширувини ўтказишга асослар



«Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлмаган солиқ тўловчилар фаолиятидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда



Жисмоний ва юридик шахслардан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисида мурожаатлар келиб тушганда, бундан аноним мурожаатлар мустасно



Оммавий ахборот воситаларида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда



Камерал солиқ текшируви жараёнида аниқланган тафовут ва хатоларни солиқ органи жойлашган жойдан ташқарида ўрганиш зарурати юзага келганда

Сайёр солиқ текширувлари давомида

- 1** Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тўлдирилганидан сўнг ўтказилади
- 2** Текширув далолатномасига «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширувчи томонидан тегишли ёзув киритилади
- 3** Текширувчи «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, солиқ тўловчи текширувдан ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли
- 4** Текширув натижалари солиқ органлари томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади
- 5** Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган сана ушбу текширувни ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади

Сайёр солиқ текширувлари давомида




СКнинг 145 ва 148-моддаларига асосан солиқ тўловчининг бинолари ва ҳудудларни кўздан кечиришга ҳамда ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишга ҳақли



Тадбир холислар иштирокида амалга оширилади



Солиқ органларининг ходимлари холислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди!



Солиқ ходимларининг ҳуқуқлари



Солиқ органларининг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга

Ҳужжатлардан нусха олиш



Солиқ тўловчининг дастурлари ва видеокузатувларидан фойдаланиш



Объектларини кўздан кечириш ва фото, видео тасвирга олиш



Мол-мулк ва товарларни инвентаризациядан ўтказиш



Мутахассис, эксперт, таржимон ва холислар жалб қилиш



Ишлаб чиқриш ва реализация ҳажмини аниқлаш



Савдо ва хизмат қоидалари НКТ ва тўлов терминаллари риоя этилиши



Бинога киришга тўсқинлик қилганда банк ҳисоб-рақамини ёпиб қўйиш




Таълуқли ҳужжатларни талиб қилиб олиш



Қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар



Солиқ органи ва солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари



Солиқ солиш объектларини аниқлаш бўйича



Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, фаолият тури ва жойининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги



Кўчмас мулк ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, кадастр ҳужжатлари, ижара шартномалари



Солиқ солиш объектларини аниқлашда солиқ органларида мавжуд ахборотни аниқлаштириш мақсадида ўтказилади

Хронометраж кузатувлари жараёнида

Хронометраж кузатувлари солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларининг даромадлари ва харажатлари шунингдек солиқ режимини аниқлаш мақсадида ўтказилади

Хронометраж кузатувлари бир солиқ тўловчида бир йилда кўпи билан бир марта ўтказилиши мумкин

Солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатмасдан кунлик иш режимини тўлиқ қамраб олган ҳолда, барча объектларида бир вақтнинг ўзида ўтказилади

 Солиқ тўловчиларнинг текширувгача тасдиқланган иш режимидан либ чиқиб, етти иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўтказилади

Хронометраж кузатувлари жараёнида

Бошқа ҳудудлардаги объектларида хронометраж кузатуви ўтказиш юзасидан объект жойлашган ҳудудий солиқ органига хронометраж кузатуви бошланишидан камида бир кун олдин ўтказиладиган хронометраж кузатувининг аниқ санасини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборади

Бошқа ҳудудлардаги объектларида ўтказилган хронометраж кузатуви натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотлар кўздан кечириш якунлангандан кейин солиқ тўловчи рўйхатдан ўтган солиқ органига бир иш куни ичида юборилиши шарт



Хронометраж кузатуви жараёнида мутахассислар жалб этилиши мумкин

Ишлаб чиқариш соҳасида хронометраж кузатувлари

Ишлаб чиқариш учун сарфланаётган товар хом ашёлар (ярим тайёр маҳсулотлар) ҳажмини, ишлаб чиқариш ускуналарининг сонини ва уларни қувватларини қайд этиш

Ишлаб чиқариш қувватлари учун сарфланаётган табиий ресурсларини (газ, электр энергияси, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқлигини аниқлаш

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва миқдорини аниқлаш

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш усулларини аниқлаш ва жараёнини қайд этиш

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи, сотиш нархи, сотилган ҳажми ҳамда омборхоналаридаги тайёр маҳсулотлар миқдори аниқлаш

Солиқ тўловчининг ҳақиқатдаги даромадларини шаклланиш манбалари ва харажатларини қайд этиш

Хронометраж кузатувлари натижалари бўйича

Хронометраж кузатуви натижаси тўғрисида
Б А Ё Н Н О М А

1.	Солиқ тўловчининг номи:				
2.	Юридик манзили:				
3.	Объект жойлашган манзил:				
4.	Объект номи:				
5.	СТИР:				
6.	Назорат-касса техникаси:	русуми:		завод рақами:	
7.	Тўлов терминали:	русуми:		завод рақами:	
8.	Ҳисобот даври учун иш кунлари:	чорак:		ой:	
9.	Хронометраж кузатуви ўтказилган кунлар:	боиланган сана:		яқунланган сана:	
10.	Солиқ тўлаш режими:	«	»	20	й.
11.	Солиқ ставкаси:				
12.	Фаолият юритаётган соҳасига оид аниқ фаолият тури:				
13.	Хронометраж кузатувида аниқланган солиқ тўлаш режими:				
14.	Қўшимча маълумотлар (Сайёр солиқ текширувиги ўтказиши тартиби тўғрисидаги низомида белгиланган ишлаб чиқариш фаолиятида ўрганиладиган маълумотлар):				
15.	Кассадаги мавжуд нақд пул колдиги (қуи бошига):				
16.	Назорат-касса техникасининг қулиқ хисоботи кўрсаткичи (қуи бошига):				
17.	Фарқи (қуи бошига):				
18.	Назорат-касса техникаси хотирасига киритилиши таъминланган сўмма:				
19.	Товарлар (хизматлар) реализациясидан тушган тушумлар:				
	Хронометраж кузатуви ўтказилган сана	Хронометраж кузатуви давридаги тушум	шундан:		
	«	»	нақд пулда	тўлов терминали орқали	пул кўчиринч йўли билан
	«	»			
	Жами:				
20.	Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар:				
	Харажатлар таркиби (товар, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотларни харид қилиши, иш ҳақи, электр энергияси ва бошқалар)	Жами харажатлар	шундан:		
			пул кўчиринч йўли билан	нақд пулда	банк картаси орқали
1.					
2.					
	Жами:				



Сайёр солиқ текширувида амалга оширилган хронометраж кузатуви натижаси бўйича баённома расмийлаштирилади



Хронометраж кузатуви якуни билан солиқ тўловчи томонидан қўллаб келинган ҳамда тадбир натижаси бўйича аниқланган солиқ тўлаш режими аниқланади

НКТ ва тўлов терминалларида фойдаланиш қоидалари

1

Савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида НКТ ва тўлов терминалларида фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини текшириш мақсадида харидорларни жалб этган ҳолда назорат харидини амалга ошириш

2

Назорат хариди ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида мурожаат этган жисмоний шахс ёки “яширин харидор” хизматини кўрсатувчи юридик шахс амалга ошириб чиқаётган харидор кўрсатмаси асосида амалга оширилади

3

Назорат хариди бўйича баённома тузиш ва унда НКТдан фойдаланилганлиги ва тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилинишини текшириш

4

Солиқ тўловчининг кассаларида мавжуд нақд пул қолдиғини саноқдан ўтказиш, назорат-касса техникаси хотирасига киритилган нақд пул суммаси билан солиштириш

НКТ ва тўлов терминалларида фойдаланиш қоидалари

5

Онлайн назорат-касса техникалари ва виртуал касса ўрнатилиши шарт бўлган савдо, хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчасида қурилмаларни қўллаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш

6

Тўлов терминали ва назорат-касса техникаси солиқ тўловчининг номига расмийлаштирилганлиги ҳамда объект манзили бўйича рўйхатга қўйилганлиги, шунингдек, назорат-касса техникасининг техник талабларга мувофиқлигини

7

Техник талабларга жавоб бермайдиган ёки Давлат реестрига киритилмаган бошқа солиқ тўловчига тегишли НКТ ишлатиш, фискал хотирага хизмат кўрсатувчи дастурий маҳсулот бузилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, назорат-касса техникасини тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган шаклларда баённома тузиб олиб қўйиш

8

бошқа солиқ тўловчига тегишли тўлов терминалларида фойдаланиш ҳолати аниқланган тақдирда, тўлов терминали харид чеки нусхаси олинади, русуми ва завод рақами тўғрисидаги маълумот назорат хариди баённомасига киритиш

Назорат харидини амалга ошириш



Назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилади.



Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс назорат харидини ўтказиш учун нақд пул маблағларини тегишли солиқ органи кассасидан олади.



Нақд пул маблағларини сайёр текширувини ўтказиш учун мансабдор шахсга беришда уларнинг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, чиқим касса ордерига илова қилинади. Бунда пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга берилади.

Ходимлар сони мувофиқлиги мониторинги

Солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш қуйидагилардан иборат



Барча объект ва ҳудудларда ҳақиқатда фаолият юритаётган ходимларни аниқлаш

Аниқланган ходимларнинг рўyxатини тузиш



Солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторинг солиқ тўловчининг иштирокида амалга оширилади

Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш

Бир марталик йиғимлар ундирилиши, ундирилган йиғимларни назорат-касса техникаси хотирасига киритилиши ва банкка топширилиши назорат қилинади

Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида кўрсатилган хизматлар учун ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши текширилади

Савдо ва хизмат кўрсатиш қодалари бажарилиши текширилади

Текшириш натижаси бўйича аниқланган қоидабузарлик ҳолатлари солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади

Савдо қоидаларига риоя этилиши, алкоголь маҳсулотлари савдоси учун рухсат этувчи гувоҳномаларини текшириш

Савдога чиқарилган товарларга қонунчиликка мувофиқ нарх кўрсаткичлари қўйилганлиги

Умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларига риоя этилиши

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилганлиги назорат қилинади

Чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчасида алкоголь маҳсулотлари савдоси учун рухсат гувоҳномалари мавжудлиги шартларига мувофиқлиги текширилади

Рухсат гувоҳномаларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин фаолият амалга оширилганлиги аниқланганда, бу ҳақида далолатномада алоҳида қайд этилади

Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари солиқ тўловчи томонидан инвентаризациядан ўтказишни таъминлаш



Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи томонидан хатловдан ўтказиш «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 19-сонли БҲМСга (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) мувофиқ амалга оширилади



Бунда, солиқ тўловчининг сақланаётган ва савдо объектларида савдога чиқарилган товарларнинг кирим ҳужжатлари (ҳисобварақ-фактуралар, юк хатлари, назорат-касса техникаси чеки ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар) мавжудлиги текширилади



Сайёр солиқ текшируви жараёнида, шунингдек, солиқ органида мавжуд маълумотларга асосан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар мавжуд эмаслиги аниқланиб, бу солиқ тўловчининг тилхати билан тасдиқланганда хатловдан ўтказиш амалга оширилмайди

Товар-моддий қимматликларини автотранспортлар орқали ташилишини текшириш, ҳужжатлар, буюмларни олиб қўйиш

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий органларини хабардор қилиш



Олиб ўтиладиган юкларга расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар ва товар-транспорт юкхатларни ўрганиб чиқиш



Юкларни ҳисобварақ-фактуралар ва товар-транспорт юкхатлари билан солиштириш



Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий органлари томонидан тўхтатиб, автотранспорт воситасига (лицензия талаблари), шунингдек, ташилаётган юкларга оид ҳужжатларни текшириш

Товар-моддий қимматликларини автотранспортлар орқали ташилишини текшириш, ҳужжатлар, буюмларни олиб қўйиш

Автотранспорт ва юклар тўғрисидаги маълумотларни (ҳисобварақ-фактуралар ва товар-транспорт юкхатлар) Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасига мобил илова орқали юбориш ва у ерда акс эттириш

Автотранспорт ва унинг тиркамасига ортилган юкларга ҳисобварақ-фактуралар ва товар-транспорт юкхатларнинг расмийлаштирилганлигини ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасида рўйхатдан ўтганлигини махсус дастурий солиштириш

Юк эгасининг, ташувчиси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганлиги ва амалда фаолият юритаётганлигини ҳамда автотранспорт воситасининг тегишлилигини текшириш

Товар-моддий қимматликларини автотранспортлар орқали ташилишини текшириш, ҳужжатлар, буюмларни олиб қўйиш



Ҳужжат ва маълумотлар нусхалари қоғоз шаклида, электрон шаклда (сканер), зарур ҳолларда фото ва видео тасвир кўринишида олинади



Ҳужжатларнинг асл нусхалари ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш мансабдор шахс томонидан асослантирилган қарори асосида амалга оширилади



Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни тунги соат 23-00 дан 06-00 га қадар бўлган вақт оралиғида олиб қўйишга йўл қўйилмайди



Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш холислар ҳамда ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш амалга оширилаётган шахслар иштирокида ўтказилади

Товар-моддий қимматликларини автотранспортлар орқали ташилишини текшириш, ҳужжатлар, буюмларни олиб қўйиш

Ҳужжатлар ва буюмларни мустақил тарзда олиб қўйиш эшикларга, тамбаларга ва бошқа буюмларга шикаст етказилмаган ҳолда амалга оширилади, шикаст етказилмасдан олиб қўйиш мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно

Ҳужжатлар ва буюмларини ўз ихтиёри билан топширишни таклиф этади, таклиф рад этилса мажбурий тарзда олиб қўяди

Қарорни такдим этади ҳамда ҳозир бўлган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради



Ҳужжатлар ва буюмларни олишда баённома расмийлаштирилади

Ҳужжатлар ва буюмларни такдим этишдан, биноларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортганда, бу ҳақда солиқ органининг мансабдор шахси томонидан тузилган баённомада қайд этилади

Тузилган баённоманинг кўчирма нусхаси улар қайси шахсдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга имзо қўйдириб топширилади

Сайёр солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан қатъий ҳисобда турадиган сайёр солиқ текшируви далолатномаси тузилади



Сайёр солиқ текшируви далолатномаси икки нусхада тузилади ва солиқ органи мансабдор шахслари ҳамда солиқ тўловчи томонидан имзоланади



Сайёр солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига далолатнома билан танишиб чиқиб, уни олганлиги ва санаси кўрсатилган имзоси орқали топширилади



Солиқ тўловчи сайёр солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортганда, ушбу далолатномага тегишли ёзув киритилади ва унинг нусхаси электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборади юборилади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан **уч кундан** кечиктирмай олинган деб ҳисобланади


Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, далолатнома почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилганидан сўнг **беш кундан** кейин олинган деб ҳисобланади



Сайёр солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун ёки унга юборилган кун солиқ текшируви якунланган кун деб ҳисобланади!

Солиқ аудити

Солиқ аудити



Солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг муайян давр учун солиқлар ва йиғимларнинг ҳисобланиши ҳамда тўланишининг тўғрилигини текшириш мақсадида унинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш йўли билан ўтказилади ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларни ҳужжат-далиллар асосида тасдиқлаш ва солиқ аудити далолатномасида акс эттирилишидан иборат



СОЛИҚ АУДИТИ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- Солиқ аудитини ўтказиш муддати **ўттиз иш кунини** ташкил қилади.
- Солиқ аудитини ўтказиш муддати **икки ойгача**, алоҳида ҳолларда эса – **уч ойгача узайтирилиши** мумкин.
- **Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилиши қуйидагилар учун ҳам узайтирилиши мумкин:**
- талаб қилинган ҳужжатлар (ахборотлар) белгиланган муддатда тақдим қилинмаганда;
- чет эл давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида ахборот олишда; экспертизалар ўтказишда;
- чет тилида тақдим этилган ҳужжатларни таржима;
- солиқ аудити жараёнида ўрганилиши лозим бўлган ҳужжатлар ҳажмининг кўплиги сабабли солиқ аудитини ўтказиш учун буйруқда кўрсатилган муддатнинг етарли эмаслигида;
- яроқсиз ҳолга келган ҳужжатларнинг ҳамда солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш билан боғлиқ электрон ахборотларни сақловчи жисмларни қайта тикланишида;
- мутахассис фикри олинмишида;
- эксперт жалб қилинганда.



СОЛИҚ АУДИТИНИ ЯКУНЛАШ

Солиқ аудити натижаларига кўра далолатнома расмийлаштирилиши ва кейинги ижроси текширувчи ходим томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Буйруқда кўрсатилган муддатдан кечиктирмасдан солиқ аудити натижалари расмийлаштирилади ва ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида **баённома** тузилади;

Солиқ аудитини ўтказиш муддати ўтказилган солиқ аудити тўғрисида **далолатнома тузилган** (имзоланган) кунда **тугайди**;

Солиқ аудити далолатномаси **бир иш куни** ичида солиқ тўловчи ҳисобда турган солиқ органида рўйхатга олинади ва текширув натижалари бўйича маълумотлар солиқ текширувлари ҳисобини юритиш ахборот тизимига киритилади;

солиқ аудити натижаларига кўра расмийлаштирилган **далолатнома уч кундан кечиктирмай солиқ тўловчига топширилади** (юборилади);

солиқ аудити далолатномаси расмийлаштирилганидан **сўнг уч кун ичида Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар билан ишлаш тузилмасига топширилади**;

жавобгарлик чораларини кўриш **солиқ органлари ваколатига кирмайдиган** қонунбузилиш ҳолатлари (суд) аниқланган тақдирда, Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар билан ишлаш тузилмаси томонидан материалларнинг бир нусхаси солиқ органларида сақланган ҳолда, солиқ аудити материаллари ваколатли органларга юборилади.



СОЛИҚ АУДИТИ НАТИЖАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

Солиқ аудити натижалари бўйича **материалларни кўриб чиқиш ва натижалари бўйича чора кўриш** қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- солиқ аудити натижалари бўйича материаллари шикоятлар (эътирозларни) инобатга олган ҳолда **10-15 иш кунидан** кечиктирмай **кўриб чиқилади**;
- солиқ аудити далолатномасини кўриб чиқиш натижалари бўйича **беш иш кунидан** кечиктирмай солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосари) **қарори қабул қилинади**;
- Солиқ аудити (тафтиш) натижалари бўйича қабул қилинган қарор **икки иш кунидан** кечиктирмай **солиқ тўловчига берилади** (топширилади).
- кўриб чиқиш баённомаси қарори жинойий иш белгилари мавжуд текшириш далолатномалари **Иқтисодий жинойатларга қарши курашиш департаментига уч иш кунидан кечиктирмай** юборилади



ТЕКШИРИШ НАТИЖАСИДАН НОРОЗИ БЎЛИШ

Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят бериш учун **давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органига** (юқори турувчи мансабдор шахсига) ёки **судга** мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.



Солиқ аудитига номзод

Солиқ аудити қуйидаги солиқ тўловчиларда ўтказилади:

- солиқ органида хавфни таҳлил этиш автоматлаштирилган ахборот тизими (“Таҳлика-таҳлил” дастури) орқали аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчиларда;
- камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ органининг талабномасига жавобан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан, аниқлаштирилган талабномадан кейин), аниқланган тафовутлар бўйича асос келтирмаган ёки тақдим қилинган асосномалар етарли эмас деб топилган солиқ тўловчиларда;
- аввал ўтказилган солиқ аудити чоғида солиқ органига маълум бўлмаган янги ҳолатлар аниқланган солиқ тўловчиларда;
- ихтиёрий тугатилаётган солиқ тўловчиларда;
- жиной иш қўзғатилган солиқ тўловчиларда.

Номзодларни тақсимлаш

- 1.** ДСҚ ваколатли таркибий бўлинмаси юқори даражадаги хавф гуруҳига киритилган солиқ тўловчилар **рўйхатини шакллантиради** ва автоматлаштирилган ахборот тизими орқали Солиқ аудитини ўтказиш бошқармаси бошлиғига юборади.
- 2.** Солиқ аудитини ўтказиш бошқармаси бошлиғи давлат солиқ қўмитаси томонидан текширилиши лозим бўлган хавфи **жуда** юқори бўлган номзодларни ажратиб, қолган номзодларни **уч иш кун**и давомида тегишлилиги бўйича ҳудудий солиқ органларига юборади.
- 3.** Ҳудудий солиқ аудитини ўтказиш бўлими бошлиғи давлат солиқ бошқармаси томонидан текширилиши лозим бўлган хавфи жуда юқори бўлган номзодларни ажратиб, қолган номзодларни **икки иш кун**и давомида тегишлилиги бўйича ҳудудий (туман, шаҳар ДСИ) солиқ органларига юборади.
- 4.** Солиқ аудити ўтказилиши лозим бўлган солиқ тўловчилар текширувчилар кесимида тақсимлангандан кейин ҳар бир текширувчи ўзига бириктирилган солиқ тўловчи ҳақида ўрганиш ўтказди ва солиқ аудитини ўтказиш **режасини** тузади.

Солиқ аудитини тоифалаш

❖ Ҳар бир текширувчи (солиқ аудитини ўтказиш учун ўзига бириктирилган солиқ тўловчиларнинг солиқларни (йиғимларни) тўламаслик хавфи даражасидан келиб чиқиб, уларни олдиндан **хабардор қилиш** йўли билан ўтказиладиган ва **хабардор қилмасдан** ўтказиладиган солиқ аудити тоифасига ажратади.

❖ Солиқ тўловчиларни икки тоифага ажратиш жараёни, солиқ аудитини ўтказиш учун танланган номзодларнинг **рўйхати** электрон ҳужжат алмашиш автоматлаштирилган ахборот тизими орқали аудитни ўтказиш бошқармаси (бўлими) бошлиғига келиб тушган кундан бошлаб **уч иш кунидан** ошмаслиги керак.

❖ Солиқ аудитини олдиндан **хабардор қилинадиган** тоифага:

❖ **мол-мулкка эга бўлган**, йиллар давомида **мунтазам равишда ҳисоботларни тақдим қилиб келган**, лекин **айрим сабабларга кўра** солиқ ҳисоблашда ҳатокамчиликларга йўл қўйган солиқ тўловчилар киради.

❖ Солиқларни тўлашдан **бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлган солиқ тўловчиларда** солиқ аудити уларни олдиндан **хабардор этмасдан бошланади**.

❖ Солиқ тўлашдан **бўйин товлаш белгилари Солиқ кодексига мувофиқ** аниқланади.